

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"**

**№ ВМ-343-53402-4.04**

**"1" июль 2003 й.**

**"ТАСДИҚЛАНДИ"**

**Ўзбекистон Республикаси**

**Олий ва ўрта махсус**

**таълим вазирлиги**

---

**"8" июль 2003 й.**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИҚТИСОДИЙ  
ФАОЛИЯТНИ БОШҚАРИШ  
фанидан  
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 - "Бизнес ва бошқарув"**

**таълим соҳасидаги 5340200 - "Менежмент"**

**бакалавриат йўналиши учун**

**Тошкент - 2003**

**Тузувчилар:** доц. Собиржонова Д.,  
к.ўқ. Сулаймонов Б.

**Такризчилар:** проф. Зайнуддинов Ш.,  
доц. Махмудов Б.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш бир вақтнинг ўзида фикрлаш ва ҳаракат тизими бўлиб, "Ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни бошқариш" фанининг асосий вазифаси ишлаб чиқаришни бошқариш жараёни ҳақида аниқ таҳлилий маълумотлар беради. Бу эса корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий йўналишини танлаб ўз фаолиятини бозорга қаратишни талаб этади.

"Ишлаб чиқариш ва иқтисодиёт фаолиятини бошқариш"-ўзининг доимий ва тизимли таҳлили асосида бозор эҳтиёжини аниқлаб, самарали товарлар ишлаб чиқишга йўналтиради.

Мазкур курс маърузалари талабаларга ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал этишда, танланган мақсадларга эришишда назарий билим ва кўникмалар беради.

Согласно нового государственного образовательного стандарта Республики Узбекистан разработана программа по предмету "Управление производственно-экономической деятельностью". В связи с этим появилась необходимость разработки программы по данной дисциплине.

В условиях рыночной экономики управление производством является одновременно системой мышления и действия. Главная задача предмета состоит в том, чтобы раскрыть основные проблемы управления производственно-экономическим процессом и ориентации на рынок - это основное условие определяющее конкурентоспособность предприятия.

Управление производственно экономической деятельностью по существу представляет собой постоянный и систематический анализ потребностей рынка в разработке новых товаров.

Данный курс лекции поможет студентам освоить основные теоретические аспекты необходимые для решения проблем, связанных с управлением производства в выборе решения для достижения цели.

On Republic of Uzbekistan an output (exit) from a basis spent reforms till the programs "the National program on training of personnel" introduction in sphere of formation (education) the new educational standards, where is stipulated study of a subject "Management manufacture".

In conditions of market economy management manufacture is of simultaneously system thinking and system action. The main task of a subject is to give the clear instruction (indication) on the basic processes of manufacture and to show, that orientation to the market - it the basic condition determining an economic and social choice the enterprise.

Management manufacture in essence represents the constant and regular analysis of needs (requirements) of the market deducing (removing) on development of the effective goods.

The given rate of lecture will help the students to master the basic theoretical aspects necessary for the decision of problems connected by production management in a choice of the decision for achievement of the purpose.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

## 1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон ўзининг истиқболли келажagini барпо этиш мақсадида иқтисодиётини ривожлантиришининг асоси қилиб бозор иқтисодиётини танлади.

Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш учун етарли шарт-шароитларни яратишга қаратилган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ташкилий тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Натижада бозор инфратузилмаси жадал суратлар билан ривожланиб бормоқда.

Маълумки, ҳар қандай иқтисодиётнинг асосини ишлаб чиқариш ташкил этади. Ишлаб чиқаришнинг қанчалик ривожланганлиги ўша мамлакат иқтисодий даражасини кўрсатиб берувчи асосий омил ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай давлат ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратади. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши эса унинг қандай бошқарилишига боғлиқ бўлади.

Ўз навбатида бошқарув жараёни ҳам мураккаб ва серқиррали фаолият ҳисобланади. Ҳар бир корхона ички ва ташқи омиллар табиатидан келиб чиққан ҳолда, ўзига хос ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлиб, нимани, қандай қилиб, қанча ва қимга ишлаб чиқариш муаммосини ҳал этиш бўлса, бошқарув бу муносабатларни амалга оширишда асосий дастак вазифасини бажаради.

Бу иккала фаолият жараёнининг йўналишларини маълум мақсадга мувофиқлаштириш зарурияти "Ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни бошқариш" дастурини яратилишига сабаб бўлади.

Ушбу дастур барча иқтисодиёт мутахассислиги талабалари учун мўлжалланган бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни бошқариш сир-асрорлари, қонун-қоидаларини ўрганишга қаратилган. Бу фан талабаларга ишлаб чиқаришни бошқаришни илмий ўргатиш ва олинган билимларни амалиётда қўллай олиш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилган.

### **Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари, бошқа фанлар билан боғлиқлиги**

"Ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни бошқариш" фанини ўқитишдан мақсад талабаларда бошқариш муаммоларига қизиқишни уйғотиш, уларда амалий ташкилотчилик фаолиятига иштиёқ туғдиришдир. Чунки ҳозир бошқариш асосларини ўрганаётган талабалар келгусида бошқарув тизимининг ходимлари, кичик, ўрта ва йирик жамоаларнинг раҳбарлари, корхона ҳамда фирмаларнинг иқтисодий, ижтимоий, ташкилий-техник фаолиятининг турли соҳаларини бошқариш бўйича лойиҳалар, тадбирлар ишлаб чиқувчилар бўлиб етишадилар. Бошқариш тизимини такомиллаштириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш ҳам уларнинг зиммасига тушади.

Ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни бошқаришнинг асоси унинг объектив иқтисодий, ижтимоий ва бошқа қонунларга таянган асл илмийлигидир. Бу қонунларни маълум шароитларда ўқиб-ўрганиб, хўжалик раҳбарлари республика халқ хўжалигини бошқаришнинг стратегияси ва тактикасини аниқлайдилар.

Иқтисодий ислоҳотларни олға суриш, иқтисодни умумжаҳон хўжалигига кириб бориши учун бошқарув муносабатлари механизмини мукамал билиш керак.

Ушбу фаннинг мақсади ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни бошқариш тушунчасининг асосий ғояларини талабаларга етказиб бериш, "Бизнес ва бошқарув" таълим соҳаси бўйича тайёрланадиган бакалавр кадрларга иқтисодий муносабатларни бошқариш сир-асрорларини ўргатиш, уни таҳлил қилиш ва юзага келадиган муаммоларнинг тўғри ечимини топа билиш йўлларини ўргатишдан иборатдир.

### **Мазкур фанни ўргатиш вазифалари:**

- талабаларга фаолиятни ташкил қилиш ва бошқариш асосларини ўргатиш;
- қарорларни тўғри қабул қилишга доир назарий ва амалий кўникмаларни шакллантириш;
- менежерларни танлаш ва тайёрлашда зарур бўлган умумий билимлар бериш;

- менежмент услублари асосида бошқарув фаолиятини тартибга солиш.

"Ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни бошқариш" фани ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа фанлар билан алоқадордир.

У даставвал "Иқтисодий назария", "Менежмент", "Маркетинг", "Стратегик менежмент", "Тадбиркорликни бошқариш", "Ходимларни бошқариш" каби фанлар билан боғлиқдир. Уни бу фан ахборот, ҳуқуқ, социология, психология ва меҳнат физиологияси каби фанлар билан ҳам алоқадорликда бўлади.

### **Фанни ўқитиш бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар**

Бу талаблар қуйидагилардан иборат:

- талабалар фанни ўрганиш жараёнида ҳар бир ўтилган мавзу бўйича белгиланган миқдордан рейтинг балларини тўплашлари, фаннинг "таянч" ибораларини чуқур ўзлаштиришлари, тест саволлари асосида ўз билимларини синаб боришлари лозим;
- мустақил иш сифатида рефератлар, фанга оид чизмалар ва жадваллар тайёрлашлари лозим;
- фанни ўзлаштириш натижасида "Бизнес ва бошқарув" таълим соҳасида бўлғуси бакалавр бошқарув фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш усулларини мукамал эгаллашлари лозим.

### **Семинар машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар миқдorigа минимал талаблар**

Семинар машғулот мавзулари намунавий дастур асосида белгиланиб, ҳар бир мавзуга киритилган саволлар ва тавсия қилинган адабиётлар рўйхати билан бирга алоҳида услубий қўлланма шаклида кўпайтирилади. Семинар режасидаги саволлар дастур доирасида тузилиб, маърузада баён қилинадиган масалалар билан мазмунан бир хил бўлсада, шаклан уларни такрорламайди.

### **Аудитория машғулотлари турларининг соатлар ҳажми**

Олий таълимнинг давлат стандартларида мазкур курсга 420 шу жумладан 120 - маъруза, 120 - амалий машғулот, 180 - мустақил таълим соатлари ажратилган.

### **Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари**

Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш рейтинг тизими асосида амалга оширилади. Ўқув режасида фанга ажратилган соат юкмасидан келиб чиқиб,

аниқланадиган рейтинг баллари (240) назоратнинг алоҳида турларига қуйидаги тартибда тақсимланади:

- жорий баҳолашга семинар машғулотларига ажратилган соат юкламасини 70 фоизи (84,0 балл);
- оралиқ баҳолашга маъруза дарсларига ажратилган соат юкламасининг 70 фоизи (84,0 балл);
- якуний баҳолашга ўқув соатлар юкламасининг 30 фоизи (72,0 балл).

Жорий баҳолаш учун ажратиладиган рейтинг баллари талабаларнинг семинар дарсларидаги фаоллиги, илмий реферат тайёрлаганлиги ва бошқа режалаштирилган ишларни (мустақил иш бажариш, кўргазмали қуроллар тайёрлаш ва ҳ.к) бажарганлиги учун қўйилади.

Оралиқ баҳолашда талабаларнинг маъруза дарсларидаги фаоллиги ҳисобга олинади, ҳамда икки марта оралиқ назорат (ёзма иш, тест ёки назоратнинг бошқа тури) ўтказилиб уларга ҳам тегишли балл ажратилади.

Якуний баҳолаш баллари талабаларнинг таянч сўз ва иборалар бўйича бажарган ёзма иши учун қўйилади.

#### **Компьютер, ахборот ва ялпи педагогик технологияларни қўллаш**

"Ишлаб чиқариш ва иктисодий фаолиятни бошқариш" курсини ўқитишда илғор педагогик ва ахборот технологияларида фойдаланиш имкониятлари қуйидагидан иборат:

- фанни мазмунини кўрсатувчи кўргазмали альбомлардан фойдаланиш;
- маъруза матнидаги шаклий ва рақамли маълумотларни олдиндан тайёрлаб, талабаларга етказиш. Бу ўқитувчининг вақтини тежаб, талабаларни ортиқча ёзишдан озод қилади;
- тест саволларини тузиш;
- "таянч" иборалар ишлаб чиқиб, уларнинг талабалар томонидан уларни мукамал ўзлаштиришини таъминлаш;
- айрим мавзулар бўйича маърузаларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иктисодий фаолиятини бошқарадиган юқори ташкилотларнинг маъсул ходимлари томонидан ўтишини таъминлаш;
- масофавий ўқитишни ташкил этиш бўйича компьютерда бажариладиган дастурлардан фойдаланиш;

- талабаларга ёзилган айрим маърузаларни хорижий университетлар профессорлари томонидан ўқитилиб, телеэкран орқали намойиш этишга ва бошқалар.

#### **ИНТЕРНЕТ тармоқлари мавжуд бўлган фанга тааллуқли сайтлар рўйхати:**

1. <http://www.cer.uz>
2. <http://www.referat.ru>
3. <http://www.plekhanov.ru>
4. <http://www.litera.ru>

#### **Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар**

"Ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни бошқариш" фани кундузги бўлим "Менежмент" йўналишида ўқитилиб, оралиқ, жорий баҳолаш орқали бошқарилиб ўқув жараёнини охирида якуний баҳолаш билан тугалланади.

Улар маъруза ҳамда амалий машғулотларда ўз билимларини чуқурлаштирадilar. Талабалар олган билим ва кўникмалар юқори курсларда ўтиладиган бошқа фанларни ўзлаштириш учун ҳам асос бўлади ва бу билимларни амалда қўллаш имконини беради.

#### **Фанни ўргатишда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш тавсия этилади:**

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов асарлари ва маърузаларида иқтисодий муносабатлар, жумладан бозор фаолиятига оид фикрлар, кўрсатмаларни тегишли мавзуларда ишлатиш;
- талабаларни бозор фаолиятига тааллуқли янги қўлланмалар билан дарсларда таништириб бориш;
- ҳар бир мавзу бўйича жадвал, чизма ва графиклар тайёрлаб дарсда кўргазмали қурол сифатида фойдаланиш.

## **2. ФАН ДАСТУРИ**

#### **Бошқарув механизмнинг тузилиши ва тамойиллари**

Бошқарув механизмнинг тузилиши ва унинг вазифалари. Хўжалик бошқаруви механизми. Корхонанинг бошқармаси. Ишлаб чиқариш бошқарувининг модели. Хўжалик бошқарувининг асосий тамойиллари. Мақсадли ёндашув ва уйғунлик тамойили. Узлуксизлик ва ишонччилик тамойили мутаносиблик ва денанизм тамойиллари. Бошқарув функциялар тақсимланишининг демократик тамойили. Бошқарув методларининг илмийлик ва асосланганлик тамойили. Бошқарув

самарадорлиги тамойили. Шахсий жамоа ва давлат манфаатларининг уйғунлиги тамойили.

### **Бошқарув органларининг тузилиши ва функциялари**

Корхонанинг бошқарув органлари тузилиши. Чизикли бошқарув. Бошқарувнинг чизикли-штабли шакли. Функционал бошқарув. Матрицали бошқарув. Касбий соҳа ва тузилмавий йўналиш Корхона бошқармаси. Цех бошқарувини ташкил қилиш. Цех бошқарувининг схемаси. Концерн бошқаруви механизмнинг хусусиятлари. Бошқарув ходимлари.

### **Бошқарув механизмнинг дастаклари**

Дастакнинг тузилиши ва моҳияти. Хўжалик бошқаруви дастагининг бошқариш ва назорат қилиш функциялари. Хўжалик бошқаруви механизмнинг дастаги.

Меъёр ва нормативлар. Меъёрлаштириш тушунчаси ва функциялари. Динамик меъёрлаштириш. Меъёрлаштириш вазифалари. Меҳнат ресурсларини меъёрлаштириш. Хом-ашё ресурсларини меъёрлаштириш.

### **Бошқарув механизмнинг кўрсаткичлари**

Кўрсаткичларнинг бошқарув тизимидаги ўрни ва роли. Бошқарув тизими. Режалаштириш ва бошқариш кўрсаткичларининг структураси.

Кўрсаткичларнинг тавсифи. Кўрсаткичларнинг функциялари. Кўрсаткичларнинг даражаланиши. Кўрсаткичлар танловининг қоидаси. Кўрсаткичларнинг корхона мақсадлари ва вазифаларига мос келиши. Ишлаб чиқиш соҳасида моделлаштириш. Иқтисодий математик моделлаштириш. Моделларнинг қурилиши. Моделлаштириш вазифалари. Моделларнинг турлари. Матрицияли моделлар.

Бошқарувда ахборот. Ахборот танловининг уч босқичи: физик, семантик, программатик.

### **Ишлаб чиқариш жараёни-бошқарув механизмнинг асоси**

Ишлаб чиқариш жараёнининг шаклланиши. Ишлаб чиқариш жараёнига тавсиф. ғрамчи жараён. Операция. Ишлаб чиқариш жараёнини лойихалаштириш. Ишлаб чиқариш цикли ва унинг муҳит бўйича давомийлиги. Технологик қайта ишлаш вақти. Технологик хизмат кўрсатиш вақти. Ишда танаффус вақти. Ишлаб чиқариш циклининг иқтисодий функцияси. Ишлаб чиқариш турлари: серияли ва оммавий. Ишлаб чиқариш жараёнида хизмат кўрсатишни ташкил этиш, унинг функциялари ва вазифалари.

## **Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ва бошқаришнинг боғлиқлиги**

Режалаштириш функциялари ва вазифалари. Вақт ва ресурсларнинг алоқаси. Корхонани бошқариш ва режалаштириш. Режалаштиришнинг асосий вазифалари. Режалаштириш технологияси. Корхона фаолияти режасининг йириклаштирилган тизими. Корхонада режа ижроси. Корхона режаларининг тизими. Режалаштиришнинг тармоқ хусусиятлари. Маҳсулотнинг ҳаётийлик даври ва режалаштириш муддатининг алоқаси. Корхона режаларининг координацияси. Ўзаро бўйсунуш ташкилий тузилма ва режалаштириш кооперацияси. Ишлаб чиқаришнинг марказлашган бошқаруви. Корхона ходимларининг манфаатларини ҳисобга олиб режалаштириш.

### **Корхона стратегиясини амалга оширишнинг режа-иқтисодий методлари**

Стратегик бошқарув функцияларининг тизими. Узоқ муддатли ва жорий режалаштириш. Корхонада режа ва маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизми билан ўзаро таъсири. Режалаштиришнинг турлари бўйича асосий кўрсаткичлари: стратегик, узоқ муддатли, жорий ва операцион-таквимий. Режалаштириш интерваллари. Цехлар, участкалар, бригада функционал бўлимлар ва лабораторияларни ички режалаштириш. Саноатда, қурилишда, транспортда режа кўрсаткичлари ва нормативлари. Оператив-таквимий режалаштириш. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни режалаштириш. Буюртмалар портфелининг шаклланиши. Буюртмалар портфели шаклланишининг 9 секторли матрицаси. Ишлаб чиқаришнинг ташкилий-техник тайёргарлиги. Сотининг доимийлигини таъминлаш.

### **Инвестициялар ва лойиҳаларни бошқариш**

Инвестиция. Янгиликни киритиш ва уни инвестициялаш. Янгилик киритиш лойиҳаларини бошқариш. Лойиҳани тайёрлаш вазифаси ва тузилмаси. Лойиҳани техник тайёрлашни ташкил этиш. Маҳсулотни лойиҳалаш. Ишлаб чиқариш технологиясини лойиҳалаштириш. Технологик жиҳозлар ва воситаларни лойиҳалаштириш. Лойиҳавий ҳужжатлаштириш. Ишлаб чиқаришни механик тайёрлаш лойиҳасини бошқариш.

Лойиҳани бажарилишини режалаштириш ва назорат. Янги машинани техник тайёрлаш тасмали графиги (тракт графиги). Янги маҳсулот ишлашни алоқа графиги лойиҳаси.

### **Корхоналар ташқи иқтисодий фаолияти**

Халқаро меҳнат тақсимоти шакллари. Ишлаб чиқаришнинг халқаро ихтисослашуви. Ишлаб чиқаришнинг халқаро кооперативлашиши. Протекционизм. Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш органлари. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш методлари (усуллари).

### **Ишлаб чиқаришни бошқаришда: операцион тизимни яратиш**

Бошқарув операцияларига тизимли ёндашув. Операцион функция. Операцион тизим ва унинг тизимости функциялари.

Операцияларни бошқариш моҳияти. Самарали операция. Ишлаб чиқариш доирасида стратегик қарор.

### **Маҳсулот сифатини бошқариш**

Сифат таснифлари. Маҳсулот сифатини баҳолаш ва уни бошқариш зарурияти. Сифатли товар тушунчаси. Иқтисодий самара. Хом-ашё сифатини оширишдан олинган иқтисодий самара. Машиналар сифатини ошириш самарадорлиги. Маҳсулот сифатига таъсир кўрсатувчи омиллар. Сифат менежменти. Сифатни назорат қилиш. Назорат қилиш босқичлари.

### **Ишлаб чиқаришни бошқаришда этик масалалар**

Ишлаб чиқаришни бошқарувчи ва этик масалалари. Раҳбар амалиётида ижтимоий маъсулият ва ишчан этика масалалари.

Ишлаб чиқаришни бошқарувчи-ташқи муҳит: истеъмолчилар ва етказиб берувчилар муаммолари, буюмни бутловчи ҳавфсизлик; муниципал органлар муаммоси, атроф-муҳитга таъсир, таъқиқлар ёки ишлаб чиқаришнинг аралашishi.

Ишлаб чиқаришни бошқарувчи-ички муҳит: ходимлар масаласи, ҳавфсизлик, соғлиқни сақлаш, шахс ҳуқуқи, сифатни таъминлаш бўйича дастурларни синаш, юқори раҳбарият ва мулкчилик масалалари, асосий фондлар, ахборотларни тарқатиш.

### **Ишлаб чиқаришда маҳсулот ва жараёнларни лойиҳалаштириш**

Лойиҳалар танлови ва мезонлари. Маҳсулотлар лойиҳалаштириш мезонлари: қиймат, иқтисодий, мажбурий ишлатиш, тежамкорлиги, сифат, унсур, ўлчам, қувват ва мустаҳкамлик, хизмат муддати, фойдаланишдаги ишончлилиги, хизмат кўрсатишга талаблар, кўп томонлама фойдаланишлик, фойдаланиш ҳавфсизлиги.

Ишлаб чиқариш жараёнини лойиҳалаштириш мезонлари: ишлаб чиқариш қуввати, иқтисодий самарадорлик, эгилувчанлик, ишлаб чиқарувчанлик, ишончлилиқ, таъмир муҳтожлиги, стандартлашиш ва натижалар доимийлиги,

хавфсизлик, саноат санитария ва гигиенаси, ишчилар ҳаётӣ эҳтиёжларини кондириш.

Ишлаб чиқариш тизимини замонавий ривожлантириш даражаси. Автоматлаштириш лойиҳа тизими. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқарув тизими (АСУП). Омборларга жойлаштириш тизимини ва товар беришни (жўнатиш) автоматлаштириш. Ишлаб чиқаришни бошқаришда интеграллашга автоматлаштириш тизими.

### **Хизмат кўрсатиш доирасида маҳсулотлар ва жараёнларни лойиҳалаш**

Хизмат кўрсатиш доираси таснифи: ишлаб чиқариш жараёнида истеъмолчининг иштироки, маҳсулот индивидуаллаштиришнинг юқори даражаси, ўта кўп меҳнат талаб ишлар.

Омилларни ҳисобга олган ҳолда хизмат кўрсатишни лойиҳалаш хусусиятлари: корxonанинг жойлашган ўрни истеъмолчилар жойлашган ўрни билан аниқланади; истеъмолчилар эҳтиёжи ва ҳохиши одатда олдинда боради; самарадорлик тушунчаси, ишни календарли режалаштириш истеъмолчиларга боғлиқлиги; истеъмолчилар билан муомаладаги яхши мулоқотлар; иш самарадорлиги меҳнат билан ўлчанади; йирик корxonалар хизмат кўрсатиш доирасига мос эмаслиги.

### **Жойлашган ўрни ва ишлаб чиқариш қувватларига асосланган лойиҳали қарорлар**

Корxона қуввати ва сони. Корxonанинг жойлашган ўрнига асосланган қарорларнинг даражалари. Макродаража-континент, мамлакат, вилоят ва шаҳар қарорлари. Макродаража-корxона учун маълум майдонларни ёки бинони танлаш. Макро ва микро даражада қаралаётган асосий омиллар.

Корxonаларни лойиҳалаш. Ишлаб чиқаришни режалаш турлари. Чизиқли ёки йўналишли режалаш. Чегараланган вазиятли режалаш. Корxonани лойиҳалаштириш жараёнлари, (бошланғич маълумотлар йиғиш, ишлаб чиқариш ресурслари, турлари ва сифатини аниқлаш, ҳар бир ишлаб чиқариш участкаси учун талаб қилниган майдонни аниқлаш, ҳамма ўлчамлари ва жойлашган ўрни билан кўрсатилган ишлаб чиқариш ресурслари аниқ ўрнини аниқлаш).

Корxonаларни лойиҳалаштиришдаги ижтимоий техник ёндашув. Меҳнатни меъёрлаштириш. Ишлаб чиқаришни бошқариш: операцион тизимни функциялаштириш.

### **Маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш**

Календар режалаштириш тавсифи. Маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг икки ўзгарувчанлиги. Чиқарилаётган маҳсулот режасига

боғлиқ ишлаб чиқариш харажатлари тавсифи. Тезкор бошқарувнинг умумий жараёни.

Уч асосий стратегия: доимий ишчи кучи миқдорида доимий ишлаб чиқариш ҳажми; доимий ишчи кучи миқдорида ўзгарувчан ишлаб чиқариш ҳажми; ўзгарувчан ишчи кучи миқдорида ўзгарувчан ишлаб чиқариш ҳажми.

### **Заҳираларни бошқариш**

Заҳиралар вазифаси. Заҳираларнинг уч асосий тури: тугалланувчи материаллар заҳираси; тугалланмаган ишлаб чиқариш заҳиралари; тайёр маҳсулотлар заҳираси. Заҳиралар ва харажатларни бошқариш бўйича қарорлар.

Заҳираларни бошқаришга боғлиқ ишлаб чиқариш харажатларининг тўрт тури: сотиб олинган предмет қиймати; буюртмани расмийлаштиришдаги харажатлар; материал-техник заҳираларни сақлашдаги харажатлар.

Заҳираларнинг йўқлигидан келиб чиқадиган харажатлар. Талаб билан боғлиқ бўлмаган заҳираларни бошқариш тизими.

### **Ишлаб чиқариш самарадорлигини бошқаришга комплексли ёндашув**

Ишлаб чиқариш самарадорлиги масалаларига комплекс ёндашув. Сифат ва ишлаб чиқариш самарадорлиги. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ташқи муҳит: энергиянинг юқори қиймати, давлат томонидан қатъий тартибга солиш, иқтисодий цикллар, солиқ сиёсати, хизмат доирасининг ўсиши, ижтимоий омиллар, капитал тўплаш, иқтисодиётда мулкчилик тавсифи, халқаро рақобат.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ташқи муҳит. Ишлаб чиқариш самарадорлиги мезонлари бўйича бошқариш: мақсад ва вазифалар, ишлаб чиқариш самарадорлигига мўлжалланиш; ишлаб чиқариш самарадорлиги мезонлари бўйича истиқболли режалаштириш.

Ташкилот ва ишлаб чиқариш самарадорлиги: технология, ишни лойиҳалаш, ташкилот тузилмаси, маъсулият. Мотивация ва ишлаб чиқариш самарадорлиги: меҳнат жараёни сифати; меҳнатга ҳақ тўлаш ва хизмат бўйича кўтарилиш; юқори технология шароитида инсон омили: технология гуманизация; ишлаб чиқариш самарадорлиги назорати; сифат назорати; Коммуникация, қарор қабул қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш мақсадидаги раҳбарлик. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва алоқани ташкил этиш. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва етакчилик. Ташкилотнинг барча даражаларида ишлаб чиқариш самарадорлиги.

Меҳнат ишлаб чиқариш самарадорлигини бошқаришдаги янгилик: иш ўрни ва хизмат бўйича кўтарилишдаги услубий рақобат; янги билим ва янгиликлар; тадбиркор ёки ёш компания ходими бўлишга анча юқори нисбийлик; йирик ташкилотларда янги фикрлашлар.

## **Ташкилотларни стратегик бошқаришнинг моҳияти**

"Стратегик бошқарув" иборасини аниқлаш. Стратегик ёндашув ривожланиши босқичлари. Оператив ва стратегик бошқарувни таққослаш.

Ишлаб чиқариш жараёнининг рақобат устунликлари. Рақобат устунликлари турлари. Маҳсулот рақобат устунлиги-нарх тавсифи; дифференциация. Товарнинг бозордаги ҳолатида рақобат устунлиги. Рақобат устунлигини яратиш стратегияси: баҳодаги етакчилик, дифференциация, маълум истеъмолчилар қизиқишларига эътиборни концентрациялаш.

Стратегик бошқарув хусусиятлари. Стратегик бошқарув мазмуни ва тузилмаси: муҳит таҳлили; миссия ва мақсадлар; стратегияни танлаш; стратегияни бажариш; стратегияни амалга оширишни баҳолаш ва назорат.

### **Муҳит таҳлилини ўтказиш**

Макромуҳит таҳлили: иқтисодий компонент, ҳуқуқий компонент, ижтимоий компонент, технологик компонент. Ташқи муҳитни кузатиш тизими.

Боғлиқ бўлмаган муҳит таҳлили: харидорлар, етказиб берувчилар, рақобатчилар, бозор, ишчи кучи.

Ташкилот ички муҳити таҳлили. Кадрлар кесими-менежерлар ва ишчилар ўзаро таъсири, ёллаш, ўқитиш, кадрларни кўтариш, меҳнат натижаларини баҳолаш ва барқарорлаштириш.

Ташкилий кесим-коммуникацион жараён, ташкилий тузилма, меъёр, қоида, ҳуқуқ ва маъсулиятни тақсимлаш; бўйсунуш иерархияси. Ишлаб чиқариш кесими-маҳсулот тайёрлаш, таъминот ва омбор хўжалигини юритиш, технологик паркка хизмат қилиш, тадқиқотлар ва ишланмалар ўтказиш. Маркетинг кесими-маҳсулот стратегияси ва нархни шакллантириш, маҳсулотнинг бозордаги ҳаракати стратегияси, сотиш бозорини танлаш ва тақсимлаш тизими. Молиявий кесим-лозим бўлган ликвидлик даражасини ушлаш ва фодадорликни таъминлаш, инвестиция имкониятларини яратиш. Ташкилий маданият.

Муҳит таҳлили методлари. СВОД методи. Имкониятлар матрицаси. Хавф матрицаси. Муҳит профилини тузиш.

### **Ташкилот миссияси ва мақсадларини шакллантириш**

Ташкилот миссияси. Қизиқишларни ташувчилар: ташкилот мулкдорлари, ташкилот ходимлари, маҳсулот харидорлари. Ишчан шериклар, маҳаллий ҳамкорлар, жамият. Миссияни ишлаш омиллари. Мақсадлар иерархияси. Ўсиш мақсадлари. Мақсадга талаблар. Мақсадларни белгилаш. Мақсадларни белгилаш фазалари. Мақсадларни ўрнатиш усуллари.

### **Ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш**

Ташкилот стратегияси моҳияти. Стратегиянинг икки тушунаси. Стратегия турлари. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши. Концентрациялаштирилган ўсиш стратегияси. Интеграциялаштирилган ўсиш стратегияси. Диверсификациялаштирилган ўсиш стратегияси. Қисқартириш стратегияси. Ташкилот стратегиясини аниқлаш. Стратегияни танлаш жараёни: жорий стратегия ҳал этиш, буюртма портфели таҳлилини ўтказиш, стратегияни танлаш ва танланган стратегияни баҳолаш.

Стратегияни бажариш босқичлари ва назорат. Ташкилий тузилма стратегик ўзгаришлар объекти сифатида. Ташкилий маданият стратегик ўзгаришлар объекти сифатида. Ташкилотларда стратегик ўзгаришлар. Стратегик назорат-ахборотларга талаблар, кўрсаткичларни ўрнатиш, ўзгаришлар тизими. Натижаларни таққослаш ва баҳолаш, коррективкалаш.

### **Бошқарувда маҳсулот концепцияси**

Маҳсулот тушунчаси. Маҳсулот тушунчасини аниқловчи омиллар. Маҳсулотга қарашлар эволюцияси. Маҳсулотнинг асосий ташкил этувчилари, функционал таркиби ва сифат. Маҳсулот маркаси. Маҳсулот имиджи. Ғилофлаш ва этикетка. Кафолат.

### **Маҳсулот динамикаси**

Маҳсулот ҳаётий цикли. Ҳаётий цикл фазалари: маҳсулотнинг бозорга чиқиши; ўсиш; тўйиниш; бозордан чиқиб кетиш. Маҳсулотнинг ҳаётий циклини алоҳида фазалардаги стратегияси.

Янги маҳсулот яратиш стратегияси. Янги маҳсулот яратишдаги ёндашувлар. Янги маҳсулот яратиш босқичлари.

### **Ташкилотнинг маҳсулот стратегияси**

Рақобат стратегияси. Рақобат кучлари: хом-ашё, материал, бутловчи қисмлар ва ярим фабрикатлар етказиб берувчилар; маҳсулот харидорлари; аналитик маҳсулотларнинг потенциал ишлаб чиқарувчилари; ўринбосар маҳсулот ишлаб чиқарувчилар. Рақобатчи келажакдаги мақсади таҳлили. Рақобатчининг ўзи ва бошқалар ҳақидаги таҳминлари таҳлили. Жорий стратегия таҳлили. Рақобатчининг қуйидаги функционал доирадаги фаолияти имкониятлари таҳлили: маҳсулотлар; тақсимлаш тизими; маркетинг ва сотиш; ишлаб чиқариш; тадқиқот ва ишланмалар; бошқарувнинг умумий имкониятлари; буюртма портфели; кадрлар. Рақобатчининг жисмоний ресурслари таҳлилининг ишлаб чиқариш қувватлари сифими, ёши, завод

ўлчами ва жойлашиши жиҳозлари автоматлаштирилиш даражаси, эгилувчанлик ва номинал технологик жараён, хом-ашё қиймати. Рақобатчи хулқи портфелини тузилиши. Маркетингни стратегик бошқарувга киритиш.

### **Инсон потенциални ишлаб чиқаришда фойдаланиш стратегияси**

Ташкилот ва инсонлар ўзаро таъсири. Инсон ва ташкилот муҳити ўзаро таъсирини яратишдаги ёндашувлар. Инсоннинг ташкилотга кириши. Ташкилот муҳитида ходим хулқининг шахсий асослари. Ходим хулқининг критериял базаси: жойлашиши, ишдан қониқиш, иш билан машғул бўлиш, кадриятлар, тамойиллар.

Индивид ва гуруҳ, уларнинг ўзаро таъсири. Инсон хулқини ишлаб чиқаришга (адаптацияси) мослашиши ва ўзгариши.

## **3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУСИ**

### **Бошқарув механизми тамойиллари ва тузилмаси**

Бошқарувни бошқарувчи органларнинг вазифалари: корхона фаолиятининг узоқ муддатли истиқболли йўналишлари ва мақсадларнинг самарали стратегик курсини ишлаш.

Стратегик курсни босқичма-босқич йириклаштириш, ривожлантириш ва уни жорий ва оператив бошқарув даражасига етказиш; корxonанинг умумий стратегик ва жорий вазифаларини рағбатлантириш ва уларни кундалик функциялар даражасига етказиш; кадрларни ўз ўрнига қўйиш танлови; корхона ходимлари қабул қилган топшириқларни белгиланган функциялари ижросини ташкил этиш; топшириқларни сифатли бажарилишнинг ишончли, доимий назоратини ташкил этиш; корхона ва унинг тузилмавий бўлинмалари оператив ва кундалик фаолиятини тартибга солиш; корхона фаолиятини ишлаб чиқариш ҳажмини ва маҳсулот сотилишини ошириш ҳисобига самарадорликни ошириш.

Корхона тамойиллари ва мақсадлари устиворлиги сиёсатини амалга ошириш. Бошқарувнинг хўжалик механизми. Мамлакат интеллектуал-ишлаб чиқариш потенциали таркиби. Ишлаб чиқаришни бошқаришни ташкил этиш тамойиллари: функционал (касбий йўналиш), миқдорий, кенг тарқалган ва вақтинчалик умумий ва хусусий тамойиллар.

### **Бошқарув органларининг функциялари ва тузилмаси**

Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси устиворлиги ва камчиликлари-чизиқли, чизиқли-штабли, функционал, матрицавий.

Цех корхонанинг асосий ишлаб чиқариш звеноси сифатида. Цехни бошқариш чизмаси. Цехнинг функционал бўлиниши: режа-диспечер бюроси, бухгалтерия, кадрлар бўлими, технологик бўлим, механика ва энергетика бўлими.

Концерн ягона бошқарув тизими доирасида диверсификациялашган капитал бирлашмасининг асосий шаклларида бири сифатида. Концернни марказий бошқаришининг назорат доираси. Концернни бошқаришнинг марказий функцияси.

### **Бошқарув механизми дастаклари**

Хўжалик бошқарувининг бошқарувчи ва назорат этувчи функциялари дастаклари. Ишлаб чиқариш жараёни тавсифини аниқловчи дастак: меъёрлар, миқдорий кўрсаткичлар (параметрлар); модел ва моделлаштириш; ахборот; сонли (режали) ҳисобот жабҳалари.

### **Бошқарув механизми кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар тузилмаси: мазмуни бўйича-қийматли, табиий-буюмли меҳнат; бошқарув ва режалаштириш тизимидаги функциялари бўйича-баҳорежа, аналитик-ҳисоб; бошқарув даражаси бўйича-умумфабрика; цех; бригада; индивидуал; фойдаланиш объектлари бўйича-буюм; агрегат; детал; операция.

Кўрсаткичлар турли-туманлиги-табиий, ижтимоий меҳнат, қиймат, аралаш. Функционал-мазмунан белгиланган кўрсаткичлар куйидагиларга бўлинади-баҳоли, режали, аналитик-ҳисобли.

Хўжалик бошқарувининг кўрсаткичлар тизими. Корхона хўжалик бошқарув механизмида кўрсаткичлар ва меъёрлар муносабатининг иерархия чизмаси. Ишлаб чиқариш доирасида моделлаштириш. Моделлаштириш қоидаси. Ишлаб чиқаришни моделлаштириш. Маҳсулот реализациясини моделлаштириш. Хом-ашё сотиб олишни моделлаштириш. Маҳсулот таннархини моделлаштириш.

### **Ишлаб чиқариш жараёни-бошқарув механизмини куриш асоси**

Ишлаб чиқариш жараёни ва унинг турлари-асосий, ёрдамчи. Ишлаб чиқариш жараёнларини лойиҳалаштириш босқичлари. Буюмни лойиҳалаштиришнинг ахборот базаси.

Ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи. Мутахассис йўналиши. Узлуксизлик. Оптималлик. Паралеллик. Вақтинчалик ишлаб чиқариш давр таркиби. Маҳсулотни технологик ишлов вақти, ишлаб чиқаришни технологик хизмат кўрсатиш вақти, ишдаги танаффус вақти. Ишлаб чиқариш тури.

**Сериялаштириш коэффициенти. Корхона фаолиятини бошқариш ва режалаштириш муносабати**

Режа тузилмаси. Корхона режаларини гуруҳлаштириш: бажарилиш муддати бўйича-тезкор-календар, жорий, ўртача муддатли, узоқ муддатли, стратегия.

Йўналиш функцияларига қараб: ишлаб чиқариш (маҳсулот тайёрлаш) тижорат (тайёр маҳсулотни сотиш) ва ишлаб чиқаришни моддий-техник таъминланиши. Молиявий ишлаб чиқаришни техник ривожлантиришга тааллуқли, меҳнатга қараб режалаштириш. Иш ҳақига қараб, ишчи таркибида ижтимоий қувватланишига, молиявий корхонани бошқариш даражасига қараб: умумий фирма, цехлараро, функционал бўлимлар иш режасига ва лаборатория; бригада ва участкалар иш режасига. Иш турига қараб: ўзлаштирилган ишлаб чиқариш ўзлаштириш жараёнидаги, лойиҳалаштирилаётган.

Саноатда фойдаланадиган кўрсаткич ва меъёрлар: батафсил деталлаштирилган (бўлакланган) номенклатура ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми (бажарилган ишларни) ой, декада, кундалик, йил давомида, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига (бажарилган ишларнинг) тааллуқли баҳо кўрсаткичлари (категория; навлик оғиш); персонал таркиби ва бир киши учун маҳсулот ишлаб чиқаришни такомиллаштириш (тайёрлаш); иш ҳақи жамғармаси; материал ҳаражатлари, маҳсулот браки натижасида нормаларни йўқотиш.

### **Корхона стратегиясини амалга оширишнинг иқтисодий-режа услуб**

Ишлаб чиқаришни ички режалаштириш. Тезкор-календар режалаштириш ва уни таркиби: корхона жорий режасини қисмлаштириш, унинг вазифаларини ҳар бир цех, бўлим, участка, бригада, ишчиларга етказиш; материаллар, дастгоҳ, (заготовка) тайёрланма иш жойларига етказиб беришни ташкил этиш, тайёр маҳсулотни ташиб чиқариш, ишлаб чиқариш жараёни устидан тўлиқ назоратни таъминлаш, иш бузилиш ва носозликларга тезкорлик билан бартараф этиш.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишни режалаштириш. Буюртмалар портфелини шакллантириш. Буюртма портфелини шакллантириш тўққиз секторли матрицаси. Маҳсулот сотилишини барқарорлигини таъминлаш.

### **Инвестициялар ва лойиҳаларни бошқариш**

Молиявий ва реал инвестициялар. Янгиликларни инвестициялаш. Инвестиция мақсадлари: янги маҳсулотни яратиш ва ўзлаштириб олиш (ишлаб чиқаришни); техник қайта қурулантириш; ишлаб чиқаришни кенгайтириш; реконструкция. Янгилик лойиҳаси тузилмаси ва уни тайёрлаш. Лойиҳа тузилмаси ва тайёрлаш вазифалари. Лойиҳани техник тайёрлашни ташкил этиш. Буюмни лойиҳалаш. Ишлаб чиқариш технологиясини технологик воситаларни лойиҳалаштириш.

Лойиҳали ҳужжатлаштириш. Ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш лойиҳасини бошқариш.

## **Корхонанинг ташқи-иқтисодий фаолияти**

Халқаро ихтисослашишнинг пайдо бўлишининг асосий шакллари. Халқаро кооперациялашиш шакллари. ТИФ ва унинг турлари. Ташқи иқтисодий фаолият бошқарув органларининг тузилиши. ТИФ бошқарувнинг минтақавий даражаси.

### **Ишлаб чиқаришни бошқариш: операцион (тезкор) тизимни яратиш**

Операцион тизим ва унинг функциялари. Операциянинг самарадорлигини аниқлаш. Бозор қиймати ва унинг даражасига таъсир этувчи омиллар. Операцион тизим таснифи: кичик серияни ишлаб чиқариш, оммавий ишлаб чиқариш тизими, қайта ишловчи узлуксиз жараён тизими. Рақобатбардошлик ва уни таъминлаш усуллари.

### **Маҳсулот сифатини бошқариш**

Сифат таснифи. Маҳсулот сифатини баҳолаш ва уни бошқариш зарурияти. Маҳсулот сифатини назорат қилиш. Сифат тўғрисида ахборот йиғиш. Сифатли товар белгилари. Иқтисодий самара. Маҳсулот сифатини яхшилаш. Машиналар сифатини ошириш самарадорлиги. Маҳсулот сифатига таъсир этувчи омиллар. Ишлаб чиқариш воситалари сифати. Сифат менежменти.

### **Ишлаб чиқаришни бошқаришда этика масалалари**

Ижтимоий маъсулият ва ишчан этика ишлаб чиқаришни бошқаришдаги марказий звено сифатида. Ишлаб чиқариш менежерининг ташкилий этикаси. Ишлаб чиқаришни бошқаришдаги ишчан этика меъёри. Ташқи муҳит билан боғлиқ этик масалалари.

### **Ишлаб чиқариш жараёни ва буюмларини лойиҳалаштириш**

Лойиҳалаш мезонларини аниқлаш ва ишлаб чиқариш жараёнлари ва маҳсулотларни лойиҳалашнинг муқобил вариантини танлаш. Автоматлаштирилган лойиҳалаш тизими ва ишлаб чиқаришни бошқариш-замонавий ишлаб чиқариш тизими эгилувчанлигини таъминловчи таркибий унсур сифатида.

### **Хизмат кўрсатиш соҳасида жараёнларни ва маҳсулотларни лойиҳалаштириш**

Хизмат кўрсатиш доирасидаги операцияларни лойиҳалаштириш хусусиятлари. Истеъмолчилар ҳаракатининг юқори даражаси. Истеъмолчи буюртмаси бўйича хизматни индивидуаллаштириш зарурияти, кўпчилик хусусиятларнинг кўп меҳнат талаблиги.

## **Ишлаб чиқаришнинг қуввати ва жойлашган ўрнига қараб асосланган лойиҳали қарорлар**

Корхоналар сони ва уларнинг қуввати. Ҳар бир объектни жойлашган ўрни. Моддий-техник объектларнинг миқдор ва ишлаб чиқариш унумдорлигини ҳал этишда самарадорлик ва маркетинг омиллари. Корхонанинг жойлашган ўрни ҳақидаги қарорнинг икки даражаси. Макродаража омиллари. Микродаража омиллари. Корхонани лойиҳалаш жараёни.

### **Маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш**

Ишлаб чиқаришни оператив бошқаришнинг асосий унсурлари. Ишлаб чиқаришни оператив бошқариш тизимининг асосий мақсади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг календар-режалаштиришнинг тавсифи. Ўзини оқловчи талаб. Маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг қатор ишлаб чиқариш ҳаражатларининг бутун ўлчами билан ўзаро алоқаси. Ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг уч стратегияси.

### **Заҳираларни бошқариш**

Заҳираларнинг уч тури-асосий хом-ашё, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот. Заҳираларни бошқаришда қўлланиладиган қарорларнинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига таъсири-сотиб олинган буюм қиймати; буюртмаларни расмийлаштириш ҳаражатлари; моддий-техник заҳираларни сақлаш ҳаражатлари; заҳираларнинг йўқлигидан келиб чиқадиган ҳаражатлар. Талабга боғлиқ бўлмаган заҳираларни бошқариш тизими. Талабга боғлиқ бўлган заҳираларни бошқариш тизими. Заҳираларни бошқаришга японча ёндашув. Рантнинг ҳисоб-режа графиги.

### **Ишлаб чиқариш унумдорлигини бошқаришга комплексли ёндашув**

Ишлаб чиқариш унумдорлигига тизимли ёндашув. Ишлаб чиқариш унумдорлиги ва ташқи муҳит. Ишлаб чиқариш унумдорлиги ва ички муҳит.

Ишлаб чиқариш унумдорлиги мезонлари бўйича бошқариш. Ташкилот ва ишлаб чиқариш унумдорлиги: технология, ишни лойиҳалаштириш, ташкилот тузилмаси, масъулият. Мотивация ва ишлаб чиқариш унумдорлиги: меҳнат сифати, юқори технология шароитида инсон омили, ишлаб чиқариш унумдорлиги назорати, сифат назорати.

Ташкилий алоқалар ва ишлаб чиқариш унумдорлиги: алоқа техникаси, ташқи муҳит билан алоқа, одамлар билан алоқа.

Етакчилик ва ишлаб чиқариш унумдорлик. Ташкилотнинг барча даражаларидаги ишлаб чиқариш унумдорлиги. Меҳнат ишлаб чиқариш унумдорлигини бошқаришдаги янгилик.

### **Ташкилотларни стратегик бошқаришнинг моҳияти**

Оператив ва стратегик бошқаришни таққослаш. Ностратегик бошқарувнинг пайдо бўлиши. Стратегик бошқарув ва фирманинг рақобатдошлик устунлиги. Рақобат устунлигини яратишнинг уч стратегияси. Баҳо устунлигини яратишнинг асосий манбалари. Истеъмолчилар қизиқишларини ўрганиш-стратегик дифференциясининг бошланғич нуқтаси. Стратегияни қўллашнинг асосий шарти. Бошқарув стратегиясидан фойдаланишни чегаралаш. Стратегик бошқарув тузилмаси.

### **Муҳит таҳлилини ўтказиш**

Ташкилот муҳитини таҳлилининг уч ташкил этувчилари. Харидорлар профили тавсифининг ташкил этувчилари. Харидорларнинг сотиб олиш қобилятини аниқловчи омиллар. Ташкилотнинг кучли ва кучсиз томонининг таҳлили. Имкониятлар матрицаси. Хавф матрицаси. Муҳит профили жадвали.

### **Ташкилот миссияси ва мақсадларининг шаклланиши**

Миссия тушунчаси. Миссияни ишлаш омиллари. Мақсадларни белгилаш йўналишлари: даромадлар доирасида; мижозлар билан ишлаш доирасида; ходимлар билан ишлаш доирасида; ижтимоий масъулият доирасида. Мақсадларни ўрнатиш фазилатлари.

### **Ташкилот стратегиясини ишлаб чиқиш**

Стратегияни ишлашга ёндашувлар. Ташкилот стратегиясини тўрт тури. Концентрацияланган ўсиш стратегияси бозордаги позициясини мустаҳкамлаш стратегияси, бозор ривожланиши стратегияси, маҳсулотнинг такомиллашиш стратегияси.

Интеграциялашган ўсиш стратегияси - қайта вертикал интеграция стратегияси, илгарилама вертикал интеграция стратегияси. Диверсификациялашган ўсиш стратегияси - марказлашган, горизонтал, конгломератив диверсификация стратегиялари. Қисқартириш стратегияси: тугатилиш, "ҳосил йиғиш", харажатларни қисқартириш стратегиялари.

### **Бошқарувда маҳсулот концепцияси**

Маҳсулот маркаси. Маҳсулот имиджи. Маҳсулот имиджини ташкил қилувчи тўрт омил. Фирма имиджида акс этадиган муҳсулот таркиби. Товар этикеткаси ва ғилофланиш (упаковка). Ғилофланишни амалга ошириш функцияси. Маҳсулотни ташкил этувчилари.

### **Маҳсулот динамикаси**

Маҳсулотнинг ҳаётий даври. Товар ҳаётий даврининг умумий тавсифи. Маҳсулот ҳаётий даврининг фазалари. Саноат маҳсулотининг эгри ҳаётий даври. Маҳсулот ҳаётий даврининг алоҳида фазаларидаги стратегияси. Инноватор ва тадқиқотчилар стратегияси. Янги маҳсулот яратишдаги ёндашувлар.

### **Ташкилотнинг маҳсулот стратегияси**

Рақобат кучлари. Рақобатни таҳлил қилишдаги ёндашув. Рақобатчи мақсадларини таҳлил қилишдаги зарурий тавсифлар. Рақобат таҳлили чизмаси. Ташкилот бош бизнес портфели стратегияси. Жорий стратегия таҳлили. Маҳсулот портфели таҳлили "Ўсиш-бозор ҳиссаси" матрицаси. "Соҳанинг жалб эта олувчан рақобат позицияси" матрицаси.

### **Ишлаб чиқаришда инсон потенциалидан фойдаланиш стратегияси**

Индивид нуқтаи назаридан одамни ташкилий муҳитига киритиш модели. Ташкилот нуқтаи назаридан инсонни ташкилий муҳитга киритиш модели. Инсоннинг ташкилотдаги ўрни ва роли. Инсон ва ташкилотнинг ўргатилган ўзаро икки ёндашуви. Низоларни келтириб чиқарувчи вазиятлар. Низоларни бартараф этиш усуллари.

## **4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА НАМОЙИШИ МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ**

### **"Ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни бошқариш" фани бўйича кўргазмали амалий ўқув материаллари**

- Бошқарув механизми тамойиллари ва тузилмаси.
- Бошқарув органлари функциялари.
- Бошқарув механизми кўрсаткичлари.
- Ишлаб чиқариш жараёни бошқарув механизмини куриш асоси.
- Ишлаб чиқаришни бошқариш: операцион тизим.
- Маҳсулот сифатини бошқариш.
- Заҳираларни бошқариш.
- Ташкилот миссияси ва мақсадлари.

## **Слайдлар рўйхати**

- Корхона фаолиятини бошқариш.
- Корхона стратегияси.
- Инвестициялар ва лойиҳаларни бошқариш.
- Корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти.
- Маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштириш.
- Ишлаб чиқариш унумдорлигини бошқариш.
- Маҳсулот динамикаси.

## **Ахборот манбалари рўйхати**

- Йиллик статистик маълумотлар.
- Корхона (фирма) ҳисоботлари.
- Тадбиркорлар уюшмаси ахборотлари.
- Биржа ахборотлари.
- Банк ахборотлари.
- Телевидение, радио янгиликлари.
- Акция курслари жадваллари.
- Воқеалар шарҳи.

## **5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ**

**"Ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолиятни бошқариш" фанидан назорат қилиш турлари куйидагича**

1. Фан учун белгиланган максимал балл - 240,0;
2. Фан учун саралаш бали - 132,0. Шу жумладан:
  - жорий баҳолаш - 84,0 балл;
  - оралик баҳолаш - 84,0 балл;
  - якуний баҳолаш - 72,0 балл.

## **6. АДАБИЁТЛАР**

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. -Т.: Ўзбекистон, 1993.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. -Т.: Ўзбекистон, 1995.
4. Каримов И.А. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: -Т.: Ўзбекистон, 1995.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т. 3. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т. 5. -Т.: Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Замоनावий Кадрлар-тараққиётимизнинг муҳим омилидир. Т. 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т. 7. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Боумен К. Основы стратегического менеджмента. - М.: ЮНИТИ, 1997.
11. Фатхутдинов Р.А. Стратегический менеджмент. Учебник. -М.: Дело. 2001.

#### **Қўшимча адабиётлар**

1. Виханский О.С., Наумов А.И. Менеджмент: человек, стратегия, организация, процесс. Учебник. - М.: Гардарика, 1996.
2. Герчигова И.Н. Менеджмент. - М.: ЮНИТИ, 1995.
3. Котлер Ф. Маркетинг, менежмент. Пер. с англ. –СПб.: 1999.
4. Менеджмент систем качества / Учебное пособие. -М.: Стандарт 1997.
5. Мескон М., Альберт М., Хидоури Ф. Основы менеджмента. -М.: 1997.
6. Методические рекомендации по оценке эффективности инвестиционных проектов информ электро. -М.: Экономика, 1994.
7. Портфель конкуренции и управление финансами. Ю.Б.Рубин. - М.: Соминтэк, 1996.
8. Томпсон А.А., Стрикленд А.Дж. Стратегический менежмент. Искусство разработки и реализации стратегии. Пер. с англ. под ред. П.Г.Зайцев, М.И.Соколовой. - М: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1998.
9. Управление организацией / Учебник. -М.: ИНФРА-М, 2000.
10. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менежмент / Учебник. -М.: Интел-синтез, 2000.
11. Фатхутдинов Р.А. Управленческие решения / Учебник. -М.: ИНФРА-М, 2001.
12. Фатхутдинов Р.А. Организация производства / Учебник. - М.: ИНФРА-М, 2000.
13. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление / Учебник. -М.: ИНФРА-М, 2000.